

# Жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларида тергов судьяси лавозими жорий этилади

Барчамизга маълумки 2024 йил 10 май куни муҳтарам президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Ҳужжатга кўра, 2025 йил 1 январдан жиноятишлари бўйича туман, шаҳар судларида терговсудьяси лавозими киритилади. Улар судга қадариш юритув даврида процессуал қарорларга санкция бериш масаласини кўриб чиқади.

Жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритувдаврида тергов судьяси томонидан процессуалқарорларга берилган санкциялар фақатгинаапелляция инстанциясида Қорақалпоғистон суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистонҳарбий суди томонидан якка тартибда қайта кўрибчиқилади.

Шунингдек, тергов судьяларига маъмурийҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўрибчиқиш ваколоти берилади. Улар кўриб чиқадиганмаъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларниюқори инстанцияларда қайта кўриб чиқишнингамалдаги тартиби сақлаб қолинади.

Фармонга мувофиқ, тергов судьясига қуйидагижиноят материалларини қўллаш масаласини кўрибчиқиш ваколоти берилади:

Санкциялар:

- қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиётчорасини қўллаш билан боғлиқ илтимоснома;
- қамоқда сақлаш ёки уй қамоғи муддатиниузайтириш масалалари билан боғлиқ илтимоснома;
- паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амалқилишини тўхтатиб туриш тўғрисидагиилтимоснома;
- мурдани эксгумация қилиш ҳақидагиилтимоснома;
- почта-телеграф жўнатмаларини хатлаштўғрисидаги илтимоснома;
- тинтув ўтказиш ҳақидаги илтимоснома;
- телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладигансўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқалиузатиладиган ахборотни олиш

ҳақидаги илтимоснома;

- мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги илтимоснома;

Мажбурлов чоралари:

- айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимоснома;
- шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги илтимоснома;
- айбланувчининг тиббий муассасада бўлиш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаси;
- ушлаб туриш муддатини 48 соатга қадар узайтириш тўғрисидаги илтимоснома;

Прокурорнинг гувоҳ ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаш тўғрисидаги илтимосномаси.

«Тергов судьяси ўз фаолиятини мустақил амалга ошириб, фақат қонунга бўйсунди ҳамда тергов судьясига одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай вазифалар юклатилишига йўл қўйилмайди» — дейлади фармонда.

Уларни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш, шунингдек, судьялар корпусини шакллантириш қонунда белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади, ташкилий фаолиятларига Қорақалпоғистон суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ҳарбий суд раислари раҳбарлик қилади.

Тергов судьяси лавозими учун штат бирликларисудларнинг мавжуд штат бирликлари ҳамда 2025–2027 йиллар учун ажратиладиган қўшимча штат бирликлари ҳисобидан шакллантирилади.

## **Сурхондарё вилоят суди**

### **жиноят ишлари бўйича**

### **судлов ҳайъати судьяси Ж.Худойбердиев**